

---

Аҳолини рўйхатга олиш дастури қандай саволларни ўз ичига олади?

**Жорий йилнинг 16-март куни Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Риштон туман статистика бўлими томонидан мазкур қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.**

Бўлим ходимлари томонидан телевидения, радио, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали мазкур қонун, умуман, аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари нима мақсадда амалга оширилиши юзасидан батафсил маълумотлар бериб борилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий бошқарма ва бўлимлар аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳар ўн йилда камида бир мартаба рўйхатга олинади.

Шу муносабат билан Республикамизда биринчи мартаба ўтказилаётган аҳолини рўйхатга олиш дастури қуйидаги саволларни ўз ичига олади:

Фамилияси, исми, отасининг исми, туғулган санаси ва жойи, ёши, жинси, миллати, фуқаролиги, яшаш жойи (турган жойи), қайси тилларни билиши, маълумоти, никоҳ ҳолати, болаларининг сони, уй хўжалиги таркиби, уй-жой шароитлари, бандлиги, яшаш учун келадиган маблағлар манбаи, миграция ( ички ва ташқи).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Аҳолини рўйхатга олиш дастурига қўшимча равишда бошқа саволлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида 2022 –йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади.

**Риштон туман статистика бўлими.**

2020-08-19 19:17:04